

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛМАНОВ АКТАМ ТОШҚУВАТОВИЧ

**МОДДАЛАРНИНГ ТУРЛИ ФАЗОВИЙ ҲОЛАТЛАРИДА
УЛЬТРАКИЧИК КОНЦЕНТРАЦИЯЛИ АТОМЛАРНИНГ ЎТА
СЕЗГИР ЛАЗЕР СПЕКТРОСКОПИЯСИ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Халманов Актам Тошқуватович

Моддаларнинг турли фазовий ҳолатларида ультракичик
концентрацияли атомларнинг ўта сезгир лазер спектроскопияси 3

Халманов Актам Тошқуватович

Высокочувствительная лазерная спектроскопия ультрамалых
концентраций атомов в различных фазовых состояниях вещества 27

Khalmanov Aktam Toshquvatovich

High-sensitivity laser spectroscopy of ultra small concentration of atoms
in various phase states of substance 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛМАНОВ АКТАМ ТОШҚУВАТОВИЧ

**МОДДАЛАРНИНГ ТУРЛИ ФАЗОВИЙ ҲОЛАТЛАРИДА
УЛЬТРАКИЧИК КОНЦЕНТРАЦИЯЛИ АТОМЛАРНИНГ ЎТА
СЕЗГИР ЛАЗЕР СПЕКТРОСКОПИЯСИ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM50 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fti-kengash.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Эшқобилов Напас Бекназарович физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Нематов Шерзод Қаландарович физика-математика фанлари доктори Низамов Негмат Низамович физика-математика фанлари доктори, профессор Азаматов Зокиржан Тахирович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net. Физика-техника институти мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси Физика-техника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел.: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Л. Лутпуллаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахромов

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий фан ва техника соҳалари учун элементларнинг ўта кичик миқдорларини аниқлашнинг янги аналитик методларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аналитик масалаларни ечиш учун замонавий ютуқлар асосида моддаларда текширилаётган элементларнинг миқдорини 10^{-8} – $10^{-11}\%$ даражада назорат қилиш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида республикаимиз илм-фан соҳасида устивор ривожланишига, жумладан, ўта сезгир лазер спектроскопия соҳасини самарали ривожлантириш борасида атомларни ва аэрозолларни ёки шунга ўхшаш мураккаб молекулаларни қайд қилишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада атомларнинг ионланиш чегараси атрофини тадқиқ қилиш, уларни самарали уйғотиш схемаларини аниқлаш ҳамда турли аэрозолларнинг морфологик ва оптик хусусиятлари тадқиқоти бўйича самарали натижалар олинди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра илмий-тадқиқот ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шу жиҳатдан фотониканинг лазер спектроскопияси соҳасида моддаларнинг ультракичик концентрацияли атомлари ва аэрозоллари билан лазер нури таъсирида намоён бўладиган резонансли ва норезонанс физик жараёнлар механизмлари асосида янги қурилмалар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда жаҳон илм фанида кўп электронли атомларнинг юқори уйғонган ҳолатларини ва турли аэрозолларнинг оптик хусусиятларини тадқиқ қилишга, универсал лазер фотоионлаштириш спектрометрлари ишлаб чиқишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: тегишли элемент атомлари учун маълум ҳолатлардан уйғотишнинг янги фотоионлаштириш ва тўқнашув схемаларини ишлаб чиқиш, оғир элемент атомлари учун назарий ҳисоблашларни олиб бориш ва тажрибавий спектрлар олиш, уйғонган атом ва молекулаларда юз берадиган физикавий жараёнлар турларини аниқлаш, сигналлар кинетикасининг ускуна техник характеристикасига, атом ва молекулалар параметрига боғлиқлигини ўрганиш, аниқ ифодаланган квант ҳолатларига эга бўлмаган аэрозоль заррачаларининг морфологик ва оптик хусусиятларининг янги қонуниятларини очиш, атомлар ва аэрозолларнинг ультракичик концентрацияларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4997-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот

ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорилари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика, ва машинасозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Резонатор ичида аэрозоль зарралари билан частотаси силлиқ ўзгара оладиган лазер нурлари таъсири ва лазер резонансли спектроскопия усули билан уйғотиш ва ионланиш жараёнларининг табиатини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг йирик илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Стандартлар миллий бюроси, Флорида университети (АҚШ), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, В.И.Вернадский номидаги Геохимия ва аналитик кимё институти, Россия Фанлар академиясига қарашли Спектроскопия институти (Россия), Исроил технология институти (Исроил), Чалмерс технологиялар университети (Швеция)да кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида атомларнинг кўп фотонли, фотоионизацион ва тўқнашув механизмлари ва аэрозолларнинг оптик хусусиятлари йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги муҳим илмий натижалар олинган: турли элементларнинг ўта кам миқдорлари ва атомлар спектрал чизиқларининг изотопик силжишлари аниқланган ҳамда ўта нозик тузилишга ажратилган; атом ва молекулаларнинг юқори уйғонган ҳолатлари назарий ва тажрибавий аниқланган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, В.И.Вернадский номидаги Геохимия ва аналитик кимё институти, Спектроскопия институти, Россия); уран изотопларининг лазерли фотодиссоцион бўлиниши аниқланган (Лос-Алмос лабораторияси, «Эксон Рисарч энд Инжиниринг» компанияси, АҚШ); резонатор ичида сўниш спектрометри асбобини ишлаб чиқиш технологиялари ривожлантирилган (Исроил технология институти, Исроил; «Advanced Photonics Research Institute», Жанубий Корея; «Tiger optics» компанияси, АҚШ).

Ҳозирги вақтда жаҳонда юқори потенциал ионизацияли (7эВ дан 10,4эВ гача) атомларнинг юқори уйғонган ҳолатларини тадқиқ қилиш устида бир

¹ Travis J.C., Turk G.C. Laser-Enhanced Ionization Spectrometry // New York.: John Wiley & Sons Inc. 1996. – 334 p; Winefordner J.D., Gornushkin I.B., Pappas D., Matveev O.I. and Smith B.W. Novel uses of lasers in atomic spectroscopy. Plenary Lecture // J. Anal. Atomic Spectrom. 2000. Vol. 15, pp. 1161–1189; Busch K.W. Busch M.A. / Cavity-Ringdown Spectroscopy. An Ultratrace-Absorption Measurement technique Eds. ACS Symp. Ser. – Washington, DC .1999. P. 269; Balykin Victor I. The scientific career of V S Letokhov // Phys. Scr. 2012. Vol. 85, pp. 1–51; Горбатенко А., Воронина Р., Ревина Е. Аналитическая лазерная ионизационная спектрометрия пламени. Выбор аналитической формы определения редкоземельных элементов // Вестник Московского университета. Серия 2. Химия, 2008. Том 49, № 1, с. 66–68.

қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тоза металллар юзасидаги аэрозоль факеллари, металл тузлари ва органик бўёқлар аэрозолларининг оптик ва морфологик хоссаларини очиб бериш; оғир элементлар атомлари ридберг ҳолатларининг энергия қийматларини (E_n) назарий ўрганиш ва сувли эритмаларда элементларнинг миқдорини аниқлаш; резонатор ичида сўниш лазер абсорбцион усули ёрдамида тупроқ, қотишмалар ва тоза металллар юзасида ҳосил бўладиган аэрозоль факелларнинг лазер энергиясига боғлиқлигини ва турли шаффоф аэрозолларнинг экстинкция эффективлигини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммо юзасидан қатор америкалик олимлар томонидан бир қанча изланишлар амалга оширилган: натрий ва ураннинг якка атомлари ультракичик миқдорларини қайд қилиш бўйича лазер резонансли спектроскопия усули билан тадқиқотлар 1977 йили S.A.Tuccio ва G.S.Hurst томонидан вакуумда олиб борилган; J.C.Travis, G.C.Turk атом ионизацион спектроскопия усулини алангада тадқиқ этган; O'Keefe, Deacon металл кластерлар, аланга диагностикаси ва газларнинг молекуласини тадқиқ қилиш учун резонатор ичида сўниш лазер спектроскопия усулини ишлаб чиққан. Жанубий корейлик Jongmin Lee, Do-Kyeong Ko сингари олимлар иттербий ва самарий атомларининг юқори уйғонган ридберг ва автоионизацион ҳолатларини ўрганган ва метан (CH_4) ва этан (C_2H_6) газларининг миқдорларини ўрганиш учун резонатор ичида сўниш лазер спектроскопия усулини ишлаб чиққан. Исроиллик олимлар V.Bulatov, I.Schechter аэрозоль заррачаларини қайд қилиш учун резонатор ичида сўниш лазер спектроскопия усулини қўллаган.

В.С.Летохов, Н.В.Чекалин, Н.Б.Зоров сингари россиялик олимлар томонидан бир вақтнинг ўзида (Na, Cs, Al, In, Pb, Au, Yb, U) якка атомларнинг ультракичик миқдорларини қайд қилиш бўйича S ва P ҳолати орқали икки ва уч босқичли уйғотиш усули билан тадқиқотлар вакуум ёки алангада олиб борилган.

Ўзбекистонлик олимлар, жумладан, С.А.Бахрамов, Т.Усманов, Н.Б.Эшқобилов атомли газда уйғонган атомларнинг фотоионизацион ва тўқнашув ионланиш механизмларидан фойдаланган.

Бироқ якка атомлар, аэрозоллар ва шунга ўхшаш мураккаб молекулаларнинг ультракичик миқдорларини қайд қилиш муаммоси ҳозиргача ечилмаган. Ионизация чегарасидан $0,9 \div 1,5 \text{ эВ}$ пастда жойлашган ($n \geq 4$) D ҳолат орқали ридберг ҳолат тўғрисидаги спектроскопик маълумотлар яхши ўрганилмаган. Ҳар хил атомизаторларда ионизация потенциали юқори бўлган атомларнинг тўқнашув ва фотоионизацион уйғотиш схемалари кам ўрганилган. Аниқ фойдаланган квант ҳолатларига эга бўлмаган аэрозоль заррачаларининг морфологик ва оптик хусусиятлари ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг К–22–96-рақамли «Алангада лазерли атом-ионизацион усули ёрдамида технологик эритмаларда платина гуруҳи металлларининг

миқдорларини аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш» (1996–1998), 112/1-рақамли «The James Franck Program in Laser Matter Interaction and by the Fund for promotion of research, Technion-Israel Institute of Technology» (2002), «Brain Pool Program of the Ministry of Science and Technology in Korea» (2002–2003), ИТД–14–024- рақамли «Икки фаол ҳажмда ишлайдиган қувватли ультрабинафша импульсли азот лазерини яратиш» (2009–2011), ИТД–7–12-рақамли «Аэрозоль заррачаларида ёруғликнинг экстинкцияси, сочилиши ва ютилишини ўлчаш учун резонаторда сўниш лазер абсорбцион спектрометрини яратиш ва ишлаб чиқиш» (2012–2014), SfP 983931- рақамли «Марказий Осиёда токсик ифлослантирувчи моддаларнинг қўлланилишини стабил бошқариш: атроф муҳит хавфсизлиги учун региональ экосистеманинг модели» (2011–2014) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади моддаларнинг ультракичик концентрацияли атомлари ва аэрозоллари билан лазер нури таъсирида намоён бўладиган резонансли ва норезонанс физик жараёнлар механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аэрозоль заррачаларида ёруғлик экстинкциясини ўлчаш учун резонатор ичида сўниш лазер спектрометрини яратиш ва ишлаб чиқиш;

қотишмаларнинг ҳар хил намуналарида киритмаларнинг локал тарқалишини тадқиқ қилиш;

«графитли печь» ва «стержень-аланга» системаларида атомларни уйғотиш ва ионлаштиришнинг асосий жараёнларини ўрганиш. $(n)s \rightarrow (m)p \rightarrow (k)d$ ва $(n)s \rightarrow (m)p \rightarrow (f)s$ ҳолатлар орқали самарали тўқнашув схемаларини аниқлаш (бу ерда n, k, m ва f – сатҳларнинг бош квант сонлари);

оғир элементлар атомлари ридберг ҳолатларининг энергия қийматларини (E_n) назарий ўрганиш ва сувли эритмаларда элементларнинг миқдорини аниқлаш чегарасини ҳисоблаш;

резонатор ичида сўниш лазер абсорбцион усули ёрдамида тупроқ, қотишмалар ва тоза металллар (Au, Ag, Zn, Al, Fe) юзасида ҳосил бўладиган аэрозоль факелларни ўрганиш ва уларнинг экстинкция коэффициентини аниқлаш;

резонатор ичида сўниш лазер абсорбцион усули ёрдамида ҳар хил шаффоф аэрозолларнинг (NaCl, CsCl, NaI, NaF, KCl, AgNO₃) экстинкция эффективлигини ўрганиш;

резонатор ичида сўниш лазер спектроскопия усули ёрдамида органик бўёқ аэрозолларининг (родамин 640 бўёғи) морфологик ва оптик хусусиятларини ўрганиш.

Ми назарияси доирасида экстинкция эффективлигининг ўлчам параметрига боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти элементларнинг сувли стандарт эритмалари, алюминий қотишмалари, (NH₄F, NaF) кристаллари, (GaAs, Si) ярим ўтказгич материаллари, махсус тоза эритувчилар, (NaCl, CsCl, NaI, NaF, KCl, AgNO₃) металл тузларининг аэрозоллари, органик бўёқ моддалар (родамин бўёғи), қотишмалар ва тупроқ каби ҳар хил аэрозоллардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети интенсив импульсли лазер нурларининг моддалар атомлари, молекулалари ва аэрозоллари билан резонанс ва норезонансли ўзаро таъсири жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда резонатор ичида сўниш лазер спектроскопия, атом ионизацион спектроскопия ва резонанс ионизацион спектроскопия каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори қувватли импульсли инфрақизил лазер нури ($\lambda=1064\text{нм}$, $E=250\text{мДж}$) таъсирида тупроқ, металл ва қотишмаларнинг юзаларида ҳосил бўладиган аэрозоль заррачаларининг мутлақ концентрацияси (N) ва ўлчами (d) орасидаги тескари боғланиш қонунияти ($N \sim d^{-2}$) ҳамда экстинкция коэффиценти (σ) ва қаттиқ сирт юзасидан лазер нуригача бўлган масофа (L) орасидаги тўғри боғланиши аниқланган;

шаффоф (NaCl , CsCl , NaI , NaF , KCl , AgNO_3) ва органик (Родамин 640) аэрозоль заррачаларининг экстинкция эффективлиги (Q) ва аэрозолнинг ўлчам параметри (α) орасидаги тескари боғланиш асосланган;

атомларни уйғотишда s ҳолатига нисбатан p ва d ҳолати орқали уйғотиш самарали эканлиги аниқланган;

атом ва аэрозоль системаларининг интенсив импульсли лазер нури майдонларидаги ютилиш ва сўниш параметрларини қайд қилиш имконини берувчи фойдали сигналлар (селектив ионланиш сигнали ва сўниш сигнали) пайдо бўлишининг механизмлари аниқланган;

“стержень-аланга” атомизаторининг ҳарорати бўйича селекцияси асосида атом ионизацион спектроскопия усулининг сезгирлиги ва селективлигини платформа ва графит найчадан ташкил топган янги электротермик атомизатор-ионизатор ёрдамида ошириш имконияти кўрсатилган;

аэрозоль заррачаларида ёруғлик экстинкциясини ўлчовчи икки фаол ҳажмли азот лазерига асосланган резонатор ичида сўниш лазер спектрометри ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алюминий қотишмаларида кальций ва ишқорий металллар киритмаларининг локал тарқалишини ўрганиш учун универсал лазер фотоионлаштириш спектрометри таклиф қилинган ва тажрибада қўлланилган;

органик аэрозоллар, металл тузлари аэрозоллари ва металл юзасидаги аэрозоль факелларнинг физик-кимёвий хусусиятлари бўйича аэрозолларни қайд қилишнинг янги методлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда аэрозоллар ва атомларнинг ультракичик концентрацияларини тадқиқ этиш учун оптика ва лазер спектроскопиясининг замонавий услуб ва ёндашувлари қўлланилган, олинган натижаларнинг тажриба ва назарияга оид ҳисоб-китоблари ўтказилгани, тўлқин узунлигини текис ва узлуксиз ўзгартириш, фонни аниқ ҳисобга олиш, электрик ва оптикавий фойдали сигнални қайд этиш, “киритиш-топиш” ва қўшимча қўшиш усуллари тасдиқлангани ҳамда булар

бошқа муаллифларнинг натижаларига тўлиқ мос келиши билан изоҳланади. Тадқиқотнинг барча рақамли маълумотлари замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти моддаларнинг ультракичик концентрацияли атомлари ва аэрозоллари билан лазер нури таъсирида намоён бўладиган резонансли ва норезонанс физик жараёнлар тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтиришга имкон беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган қурилма ва усулларни махсус тоза эритмалар ва яримўтказгичли материалларни ишлаб чиқишда, геохимё ва геология соҳаларида киритмалар ва элементларнинг ҳамда аэрозолларнинг миқдорларини лазер нури билан бошқариш ва назорат қилишда ишлатиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Моддаларнинг турли фазовий ҳолатларида ультракичик концентрацияли атомлар ва аэрозолларнинг ўта сезгир лазер спектроскопиясини тадқиқ қилиш асосида:

аэрозолнинг морфологик параметрларини аниқлаш бўйича олинган натижалар хорижий журналларда (Journal of Analytical Atomic Spectrometry 20, p. 53-59 (2005); Journal of Analytical Atomic Spectrometry 29, p. 2267-2274 (2014); Chinese Science Bulletin Vol.58 № 20, p. 2440-2446 (2013); Anal Bioanal Chem (2005) 383, p. 1090-1097) аэрозолнинг оптик экстинкцияси ва заррачалар сонини аниқлашда қўлланилган. Илмий натижанинг қўлланиши ёруғлик экстинкция коэффициентини ва аэрозоль заррачаларининг мутлақ концентрациясини аниқлаш имконини берган;

ички резонанс спектроскопияси ёрдамида микрозаррачалар билан ёруғликнинг сочилиши ва абсорбциясининг тадқиқи натижалари хорижий журналларда (Journal of Environmental Sciences 26 (2014) p.2412-2422; Atmospheric Chemistry and Physics 7, p. 1523-1536, 2007; Laser Photonics Re. 5, №4, p. 534-552 (2011)) аэрозолларнинг оптик хусусиятлари, кимёвий таркибини тадқиқ қилиш, аэрозолларнинг ютувчи ва сочилувчи заррачалари орқали ёруғлик экстинкциясини ўлчаш учун қўлланилган. Илмий натижанинг қўлланиши аэрозоль заррачаларининг экстинкция самарадорлигини имконини берган;

атомлар ва аэрозоллар билан лазер нури таъсирида намоён бўладиган резонансли ва норезонанс физик жараёнлар механизмлари, атомларни уйғотишнинг самарали тўқнашув схемалари, органик бўёқлар ва металл тузлари аэрозоллари ҳамда соф металлларнинг аэрозоль факелларида уларнинг оптик ва морфологик хусусиятларининг умумий қонуниятлари Ф–2–15 рақамли «Оғир элемент атомлари (Pt, Au, Hg, Tl, Pb)нинг ионланиш чегараси атрофидаги лазер ионизацион спектроскопияси» лойиҳада аэрозолларнинг квант ҳолатларини ва атомларнинг кўп босқичли тўқнашув ва фотоионизацион схемаларини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялари агентлигининг 2016 йил 6 октябрдаги ФТК–03–13/656-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши элементларнинг миқдорларини “графитли печь” ва “стержень-аланга”

режимда ишлайдиган бирлашган атом-ионизацион спектрометрида аниқлаш сезгирлигини 10 мартага ҳамда лазер абляция усули билан оптик резонаторда аэрозоль заррачалари сонини 2 мартага ортишини таъминлайдиган лазер спектрометрларини яратишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 13 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган 206 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Муаммонинг ҳолати. Ўта сезгир лазерли спектроскопик методлар»** деб номланган биринчи бобида моддаларнинг турли фазовий ҳолатларида ультракичик концентрацияли атомларни тадқиқ қилишнинг ўта сезгир лазерли усуллари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Бўёқ лазерини дамлашнинг ҳар хил манбалари ва атомизациянинг ҳар хил вариантлари юзасидан ҳозирги вақтгача йиғилган тадқиқот натижалари кўриб чиқилган. Ўта сезгир лазерли усулларнинг физикавий асослари келтирилган.


Адабиёт шарҳидан келиб чиқиб, диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Тажриба қурилмалари»** деб номланган иккинчи бобида ўта сезгир лазерли усуллар билан атомлар ионизациясининг ҳар хил каналлари ва алюминли қотишмаларда ишқорий металллар киритмаларининг локал тақсимланиш тадқиқотлари учун фойдаланилган, намуналар учун турли атомизаторлар билан ишлайдиган тажриба қурилмалари таърифланган. Спектрометр қуйидагича ишлайди: частотаси текис ўзгара оладиган бўёқ лазерини дамлаш учун икки фаол ҳажмда ишлайдиган импульсли азот лазеридан ($\lambda=337,1\text{нм}$, $\tau=8\text{нс}$, $E=10\text{мЖ}$) фойдаланилган. Бўёқ лазерининг

биринчи ва иккинчи босқичларда импульслар энергияси 10–100 мкЖни ва генерациянинг чизиқли кенглиги – 1см^{-1} ни ташкил қилади. Иккиламчи электрон кўпайтгич (ИЭК) ва атомизатор вакуум камерасига жойлаштирилган. Лазер нурлари билан атом дастасининг кесишиши вакуум камерасининг марказида жойлашган икки электрод орасида содир бўлиб, бу электродларга юқори вольтли ионизациялаштирувчи электр импульси берилади. Фотоион сигнал ИЭКдан ва олдкучайтиргичдан кейин стробинтиграторга ва ундан эса ўзи ёзар асбобга юборилади. Бир вақтнинг ўзида лазер нурлари алангага йўналтирилади ва селектив поғонали уйғотиш амалга оширилади. Сўнгра уйғотилган атомлар алангадаги заррачалар билан тўқнашиш натижасида ионлаштирилади. Пайдо бўлган ионлар коллекторда йиғилади ва кучайтиришдан кейин стробинтеграторга юборилади ҳамда рақамли вольтметрда қайд қилинади. Атомизатор сифатида тирқишли горелка қўлланилди. Нурнинг импульсли манбаи ёрамида уйғотилган ионизацион сигналнинг спектри импульсни строблаш усули билан ўлчанади. “Графитли печь” ва “стержень-аланга” режимида ишлайдиган бирлашган атом-ионизацион спектрометр қайд қилиш системасидан, “графитли печь” ва “стержень-аланга” атомизатор-ионизаторидан, ХеСl эксимер лазери ($\lambda=308$ нм, $\tau=10$ нс, $E=70$ мЖ) билан дамланадиган 3та бўёқ лазеридан иборат. Бўёқ лазери дифракцион панжарага нурнинг сирғаниб тушиши схемаси асосида йиғилган. Бу лазерлар ультрабинафша оралиғида 200 мкЖ қадар, кўриниш оралиғида 2мЖ қадар импульс энергияси ва $0,2\text{см}^{-1}$ генерация чизиғининг кенглиги билан таъминланган. Зарядланган заррачаларни йиғиш учун коллектор, қувватли стабилизация системаси билан дастурлаштирилдиган блок ёрдамида қизийдиган графитли най (узунлиги 28мм, диаметри эса 8мм), пирографитдан қилинган стержен (узунлиги 28мм, диаметри эса 8мм) ва 28мм узунликдаги икки тирқишли горелкалар атомизатор сифатида ишлатилган. Ўрганилаётган намуна массаси 1–20мг кукун ёки эритма кўринишида найчанинг марказида жойлашган махсус тирқиш орқали киритилади. Индий атомларининг манбаи сифатида ярим катодли (ЯКЛ–1) лампадан фойдаланиш атом-ионизацион спектрометрда амалга оширилган. Лампага 30мА ток берилганда газ разряд юзага келади. Нурланиш давомийлиги 8нс билан бўёқ лазер нури газ разрядга йўналтирилади. Оптогальваник (ОГ) сигнал 14мкс доимий вақт билан икки звеноли РС – фильтр орқали олинган бўлиб, олдкучайтиргичнинг киришига берилади ёки стробнинг давомийлиги 2мкс билан сигналлар стробоскопик вольтметрнинг киришига узатилади ва Фабри-Перо интерферометри ёрдамида ўзи ёзар асбобнинг биринчи канали орқали ёзиб олинади. Ушбу бобда, шунингдек, аэрозоль заррачаларида ёруғлик экстинкциясининг ўлчаш учун резонатор ичида сўниш лазер спектрометри таърифланган. Спектрометрда аэрозоль заррачаларини шакллантириш учун пневматик пуркагич ва қувватли лазер нуридан фойдаланилган. Тажриба қурилмаси бир ва икки Nd:YAG лазери билан бўёқ лазерини дамлаш ва намунани буғлатиш учун лазер импульсини шакллантиришда ишлатилган. Биринчи вариантда Nd:YAG лазер DG535 генератор шакллантирган иккиланган импульсдан ишга туширилади.

Иккинчи қурилма иккита лазернинг қўлланишига асосланган. Биринчи Nd:YAG лазер бўёқ лазерини дамлаш учун, иккинчи Nd:YAG лазер плазмани шакллантириш учун ишлатилди. Спектрометр DG535 генератордан, линзалар ($F=50\text{мм}$), иккита юкори қайтарувчи ботик кўзгу ($R> 99.97\%$, $r=100\text{см}$), зангламас пўлатдан қилинган най, фотокучайтиргич, узунлиги 75см бўлган резонатор ва рақамли осциллограф (LeCroy 9362), электростатик классификатор ва заррача конденсациясини санагичлардан ташкил топган. Шаффоф аэрозоль заррачаларида ёруғликнинг сочилиш ва ютилиш характеристикалари тадқиқоти учун тажрибавий қурилма узунлиги 85см ва диаметри $d=1\text{см}$ бўлган зангламас пўлатдан қилинган най ва пневматик пуркагичлардан ташкил топган. Силикагел (molecular sieves 4A) билан тўлдирилган узунлиги 80см ва диаметри $d=10\text{см}$ бўлган кварц найдан аэрозолни куриштиш учун фойдаланилган. Ботик кўзгу ($R> 99.97\%$, $r=100\text{см}$) $575\text{--}670\text{нм}$ тўлқин узунлигига оптималлаштирилган узунлиги 85см ва диаметри $d=1\text{см}$ бўлган зангламас пўлатдан қилинган найнинг тугаган қисмига жойлаштирилган. Турли аэрозоль заррачаларида ёруғликнинг экстинкциясини ўлчаш учун тажрибавий қурилма куйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган: қайд қилиш системаси, ярим катодли газразряд лампа ва аэрозоль, тоза ҳаво учун блоклар системаси, лазерлар системаси. Резонатор ичидаги кўзгу узунлиги 65см зангламас пўлатдан қилинган найнинг тугаган қисмига жойлаштирилган. Сўниш сигнали фотокўпайтгич (Photosensor Module H6780 – 04) ёрдамида ўлчанган. Фотокўпайтгич сигнали рақамли кўринишга рақамли осциллограф ёрдамида (Tektronix TDS3032B) ўтказилади ва персонал компьютерга юборилади.

Атмосфера аэрозоль заррачаларида ёруғликнинг экстинкциясини ўлчаш учун тажрибавий қурилма (1-расм) куйидагича ишлайди: частотаси текис ўзгара оладиган бўёқ лазерини дамлаш учун азот молекуласида ишлайдиган икки фаол ҳажмли лазердан ($\lambda=337,1\text{нм}$, $\tau=8\text{нс}$, $E=10\text{мЖ}$) фойдаланилди. Сўниш сигналинини қайд қилиш учун ФЭУ–79 фотокўпайтгичи, ВС–22 стабиллаштирилган тўғирлагич, С1–70 осциллографи, TDS 2022B рақамли осциллограф, тоза ҳаво генератори ва персонал компьютерлар қўлланилган.



1-расм. Тажрибавий қурилманинг блок-схемаси

Осциллограф ёйилмасининг ишга туширилиши фотодиоддан келаётган сигнал билан амалга оширилади, яъни азот лазерининг бир қисми унга ажратилади. Резонатор ичидаги кўзгу узунлиги 65см мисдан қилинган найнинг тугаган қисмига жойлаштирилган. Фотокўпайтгичдан сигнал рақамли осциллографга (Tektronix TDS 2022B) ва персонал компьютерга юборилади.

Диссертациянинг «Эркин атомлар олишнинг усуллари ишлаб чиқиш ва атом ионизацион усулининг асосий жараёнларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида турли хил атомизаторларда элементлар f(Yb, Eu), d(Cr, Mn, Fe, Co, Ni, Ag, Au, Pt, Hg, Cd, Zn), s(Na, Ca), p(Al, In) уйғонган ҳолатлари тадқиқига доир маълумотлар келтирилган. Алангада намунанинг атомизацияси ва вакуумда модданинг термик атомизацияси режими билан ишлайдиган универсал лазер фотоионизацион спектрометр алюминий қотишмаларида Na, Ca атомларининг локал тарқалишини аниқлаш учун қўлланилган. Ca атомлари учун ($\lambda_1=422,67\text{нм}$, $\lambda_2=399,2\text{нм}$ вакуум учун, $\lambda_2=518,9\text{нм}$ аланга учун) ва Na атомлари учун ($\lambda_1=589,9\text{нм}$, $\lambda_2=418,7\text{нм}$ вакуум учун, $\lambda_2=568,8\text{нм}$ аланга учун) икки поғонали уйғотиш схемалари амалга оширилган. Намуна тадқиқотлари учун стандарт услублар қўлланилган. 2-расмда ИЭК чиқишидан фотоион сигналларни ёзиш келтирилган. Олинган натижаларнинг тўғрилигини юқорида ёзиб ўтилган усул билан текшириш учун намунани аланга атомизацияси режимида сувли стандарт эритмаларда Ca ва Na концентрациясини аниқлаш бўйича тадқиқотлар синхрон равишда олиб борилган. Пропан-бутан алангасида натрийни ўрганишда ионизацион сигнал газ-окисидловчи 1:8,5 муносабатда максимал қийматга эришади. Кальций атоми учун ионизацион сигнал ацетилен-ҳаво сарфини ўзгартирганда ҳам кучли ўзгармайди. Тажриба вақтида фойдаланилаётган кимёвий реактивларда Ca ва Na миқдор даражаси ҳамда идишларнинг тозалиги назорат қилиб борилган.

Шундай қилиб, қуйидаги массалар нисбатида асос/аниқланаётган элемент 10мкг/мл : 0,1мкг/мл бўлганда, алюминий қотишмаси томонидан Ca ва Na сигналлари йўқолишининг кузатилиши “киритиш-топиш” усули билан ўрнатилган. Бу ерда алюминий эритмаси 100 мартадан ортиқ суюлтирилганда селектив сигналга таъсири бутунлай йўқолади.


Турлича чуқурлик ва юзадан олинган 11та намунадан 60га яқин таҳлил олиб борилган. Тадқиқот натижалари натрий примеси намунанинг ҳажми бўйича тарқалиши тахминан бир хил $10^{-3}\%$ га яқин эканини кўрсатди. Лекин кальций примеси намунанинг ҳажми бўйича нотекис тарқалиши маълум бўлди. Бунинг устига, концентрация намунасининг алоҳида жойларида $10^{-2}\%$ га ва ундан ортиқроққа етди.

Hg, Cd, Zn атомлари учун уч поғонали уйғотиш схемалари амалга оширилган. Hg, Cd, Zn атомларининг юқори уйғонган ридберг ҳолатларини ўрганиш электротермик атомизаторини қўллаш билан вакуумда олиб борилди. Олинган ионизацион спектрларнинг қайта ишланиши бўйича квант дефектлар (Δ), энергиянинг қиймати (E_n) ва кадмия атомида $n=50$, рух атомида $n=55$ ва симоб атомида қатор $n=60$ гача бош серия ридберг ҳолатлари нозик тузилиши (ΔE) аниқланди.

$n \leq 50$ учун ридберг ҳолатлар энергияси қийматининг (E_n) сонли ҳисоблаши натижалари олиб борилган. Олинган тадқиқот натижалари чоп этилган адабиётлар натижалари билан солиштирилган. Таҳлил натижалари ҳисоблашнинг нисбий хатоси $\leq 4\%$ ни ташкил қилишини кўрсатяпти.


Атом-ионизацион усулда қайд қилиш чегарасини камайтириш ва

атомизация, буғланиш жараёнларини бундан кейин яхшилаш учун «графитли печь» электротермик атомизатор қўлланилди. Электротермик атомизатор-ионизаторнинг характеристикаларини ўрганиш учун тадқиқ қилинаётган элементларнинг сувли эритмаларидан фойдаланилди. «Графитли печь» атомизаторда ўрганилаётган атомларни уйғотишнинг уч поғонали ва икки поғонали схемалари амалга оширилган. Илк бор совитиладиган коллектор, платформа, ва графитли найчадан ташкил топган «графитли печь» атомизаторда Yb, Pt, Ag, Au, Li, In атомларини уйғотишнинг икки поғонали тўқнашув схемалари амалга оширилган ва элементларнинг сувли модели эритмаларида мос ҳолда «стержень-аланга» ва «аланга» атомизаторлари билан тенглаштирилганда 10 ва 100 марта яхши сезгирлик олинган.



а) а; в) атомизатор температурасининг босқичма-босқич ошириш кетма-кетлиги; б) $M=1$ мг намунада Са ион сигналининг вақтга боғлиқлиги; г) $M=2$ мг намунада Na ион сигналининг вақтга боғлиқлиги

2-расм. Са ва Na ион сигналининг буғланиш температурасига ва вақтга боғлиқлиги



3-расм. Ионизацион сигналлар (U_i) интенсивлиги ва орбитал момент (l) орасидаги боғланиш

(n)s $\rightarrow$ (m)p $\rightarrow$ (k)d ўтишда Li, Na, Ag, Au, Pt атомлар учун, $5p^2P_{3/2}\rightarrow 6s^2S_{3/2}\rightarrow 8p^2P_{1/2}$ ўтишда In атоми учун максимал сигналлар кузатилиши мос равишда кўрсатиб ўтилган (3-расм). Бунга сабаб орбитал момент l нинг 0 дан 2 га қадар ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ушбу квант ўтиши чизиғининг кенглиги бошқа квант ўтишига нисбатан 10 марта катта ҳисобланади. Тадқиқот натижасида ионизациянинг тўқнашув ва фотоионизацион механизмлари ишлаб чиқилган. Сувли эритмаларда In, Pt, Ag, Li, Yb ва Au атомларининг тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ионизациянинг тўқнашув механизми доминант (асосий) жараён ҳисобланади. Кўп элементлар учун сезгирлик графитли печьда аланга атомизаторига нисбатан 100 – 1000 марта юқори ҳисобланади. Бунга сабаб текширилаётган ҳажмда атомларнинг ортиқроқ узок муддатли бўлиш вақти ва атомизацияда юқори температурага эришиш имкониятидир. Бу бобда турли ҳолатдан Eu, Yb, Au, Pt, Co, Ni, Fe, Mn, Cr, In, Al, Ca, Na, Cs атомларини ионлаштиришнинг турли каналларининг тадқиқот натижалари кўрсатилган.

Ионланишнинг фотоионланиш механизми. Усулнинг ғояси атомларни поғонали уйғотиш ёрдамида юқорида жойлашган электрон ҳолатларга ўтиши

**Li, In, Au, Ag, Pt, Yb элементларининг сувли эритмаларда «графитли
печь» системасида олинган тадқиқот натижалари**

Элемент	$\lambda_{\text{уйғот.}} \text{ (нм)}$			$t_{\text{атомизатор}}^{\text{ишч}}$ (°C)	$\Delta E = E_i - E_j$		$C_{\text{мин.}}$ пг/мл	
	λ_1	λ_2	λ_3		$\Delta E, \text{см}^{-1}$	$\Delta E, \text{эВ}$	ЭР	ТР
Li	670	610		2300	12204	1,49	0,006	0,002
In	451	571		2400	4802	0,59	0,008	0,03
Au	267	294		2400	3046	0,42	5	0,05
	267	306.5		2400	4439	0,66	5	0,05
	267	406.7	643.1	2400		АС	10	0,05
Ag	328	282		2300		АС	0.20	0,03
Pt	266	292		2400	587	0,06	50	0,04
Yb	555	581	581	2700		АС	10	0,03

ва бу ҳолатдан улар тўқнашиш натижасида ионлашиш ёки қўшимча нур ёрдамида ионлашишидан иборат бўлади. Бу икки ҳол учун ўлчанган сигналлар таққосланиб, тўқнашув ионланишни характерловчи параметрларни аниқлаш имконини беради. Ионланиш чиқиши фотоионлаш ҳисобига сигналнинг ошиш коэффиценти K ва тўқнашув ионланиш эффективлиги β қуйидаги оддий муносабатлар билан боғланган:

$$Y = K^{-1}; \quad \beta = \left(1 - \frac{g_b}{\sum g_i} + \frac{g_b}{\sum g_i} K \right)^{-1} \quad (1)$$

Бу ерда g_b – юқориги уйғонган ҳолатнинг статистик оғирлиги, $\sum g_k$ – уйғонган ҳолатларда қатнашаётган барча статистик оғирликлар йиғиндиси.

Тажрибада ионланиш чиқиши (Y) ва тўқнашув ионланиш эффективлиги (β) Au, Ag, Fe, In атомлари учун мос равишда (0,11; 0,1; 0,08; 0,06 ва 0,59; 0,15; 0,25; 0,087) олинган. Олинган қийматлар шуни кўрсатадики, тўқнашув ионланиш барча ҳолатлар учун самарасиз ҳисобланади. Бу ($\Delta E = 1,5 \text{ эВ} \div 3,87 \text{ эВ}$) уйғотиш энергияси ва ионланиш потенциаллари ўртасидаги қийматлар фарқи, яъни ($kT = 0,217 \text{ эВ}$ ацетилен-хаво алангаси учун) kT дан деярли $8 \div 38$ марта катталигига асосланган. «Стержень-аланга» ва «аланга» атомизаторларида Au, Ag, In, Fe аниқланаётган элементларнинг атомизация коэффиценти ($K_{\text{ат}}$) аниқлашнинг фотоионлаш усули ишлаб чиқилган. Аланганинг чегараланган ҳажмида танланган атомларни поғонали фотоионлаш оптик ўтишларнинг тўйиниш режимида олиб борилади. Натижада барча атомлар асосий ҳолатдан ионларга ўтказилади, бунда қайд қилинаётган ионлашган сигналнинг ($U_i^{\text{макс.}}$) қиймати атомизация коэффиценти ($K_{\text{ат}}$) билан содда муносабат орқали боғланган:

$$K_{\text{ат}} = \frac{C_0 U_i^{\text{макс.}}}{e K_y V n_0} \quad (2)$$

Бу ерда C_0 – тажриба йўли билан аниқланадиган коллектор-горелка сифими, e – электрон заряди, K_y – қайд қилиш системасининг кучайтириш коэффиценти, V – нурланадиган ҳажм, n_0 – алангада элементнинг умумий

концентрацияси. Оптимал шароитларда биз атомизация коэффициентини ($K_{ат}$) Au, Ag, In, Fe атомлари учун мос ҳолда (0,3; 0,2; 0,5; 0,2) тажрибада олдик.


Ag атомлари учун $5p^2P_{3/2}$ ҳолатдан ўзига хос тўлқин узунликларда 272,0 нм ва 282,0 нм иккита кучли автоионланиш ҳолатлари кузатилди. Универсал лазер фотоионизацион спектрометрда Eu атомлари учун уйғотишнинг уч поғонали фотоионланиш схемалари ($\lambda_1=601,815\text{нм}$, $\lambda_2=540,533\text{нм}$, $\lambda_3=618,203\text{нм}$) амалга оширилган. Нисбий стандарт четланиш $S_r=0.1$ билан аниқланиш чегараси сувли стандарт эритмаларда $10^{-8}\%$ ни ташкил қилди.

Индий атомлари уйғотишнинг фотоионланиш схемаларини ярим катодли лампада амалга ошириш мумкин. Бўёқ лазерининг генерация частотасини атом ўтиши $5p^2P_{1/3, 3/2} \rightarrow nd^2S_{1/2}, nd^2D_{1/2, 3/2}$ спектрал чизиғига ($\lambda=451,1\text{нм}$ ва $\lambda=303,9\text{нм}$) тўғриланганда электрик схемада манфий ва мусбат ОГ сигналлар пайдо бўлди.


Инерт газнинг ионлари газ разряди вақтида катоднинг юзасини бомбардимон қилади ва катод материалининг бир қисмини газ ҳолатига ўтказди, шу жойнинг ўзида In атомлари $5p$ ҳолатдан $5d$ ҳолатга электрон ва ионлар билан ўзаро тўқнашиши натижасида уйғотилади. Сўнгра бу ҳолатда уйғонган атомлар лазер нурлари билан таъсирлашади. Лазер нурунинг тўлқин узунлигини 455,8 нм, 456,1 нм, 458,9 нм оралиқларда қайта тўғрилашни давом эттириб, ОГ сигналларнинг ошиши кузатилди. ОГ сигнал қийматини ўлчаш In атомининг автоионланиш ҳолатлари ўрнини аниқлаш имконини берди. Ярим катодли лампада индий атомини уйғотишнинг икки поғонали схемалари тадқиқоти натижасида автоионланиш ҳолатлар кузатилган. Автоионлашган сатҳлар энергияси In атомининг $5d^2D_{5/2}$ сатҳидан амалга оширилган лазер нури тўлқин узунлигининг ўлчанган қийматидан ҳисоблаб чиқилган. Бу автоионлашган ҳолатлар энергиялари 52651.2см^{-1} , 52638.2см^{-1} , 52503.2см^{-1} қийматларни ташкил қилади.

Ионланишнинг тўқнашув механизми. «Стержень-аланга» ва «аланга» атомизаторларида атомларни уйғотишнинг турли схемалари: бир поғонали асосий ва уйғонган ҳолатларидан, уйғотишнинг икки поғонали схемаси уйғонган ҳолатларидан, уйғотишнинг икки поғонали схемаси асосий ҳолатидан, уйғотишнинг уч поғонали схемаси асосий ҳолатидан ўрганилган. Барча ҳолларда атомлар учун «ёнувчи газ» – «ҳаво»нинг оптимал нисбати мос ҳолда Al, Eu (0,21 л/мин:1,3 л/мин), Cs (0,21 л/мин:6,6 л/мин), Na (0,22 л/мин:1,7 л/мин) танланган. Ca, In, Cr, Mn, Fe, Ni, Co, Pt, Au, Ag, Yb атомлари учун ёнувчи газ ацетилен ва ҳавонинг сарфлари мос равишда 0,27 л/мин ва 1,6 л/мин қийматга эришилган. Ҳар бир схема учун ионланиш сигналининг уйғотувчи лазер нури қувват зичлиги W , уни ўзгариши кенг диапазонда (лазер нурунинг 10-нс давомийлиги учун 700кВ/см^2) ўртасида боғлиқлик муносабати ўрнатилган. «Стержень-аланга» атомизаторида Pt учун $\lambda_1=266\text{нм}$ ва $\lambda_2=292,9\text{нм}$, Au учун $\lambda_1=267,6\text{нм}$ ва $\lambda_2=294,0\text{нм}$ ионланишнинг икки поғонали схемалари қўлланилган. Лазер нурларининг диаметри $\sim 2\text{ мм}$ га тенг. 4-расмда олтин атоми ионланиш сигналининг интенсивлиги (U_i) билан лазер нурунинг қувват зичлиги (W) ўртасидаги боғлиқлик муносабати

кўрсатилган. «Графитли печь» ва «стержень-аланга» билан ишлайдиган спектрометрни калибровка қилиш учун Au атомларининг тоза сувли эритмалари (10 пг/мл – 1 мг/мл) қўлланилган. Диапазон ораликда 250–340нм иккинчи лазерни қайта тўғрилаш натижасида бир неча резонанс чўккилар кузатилган (5-расм). Бу сигналлар Au атомларининг юқори уйғонган ридберг ҳолатларига мос келади. Бу ҳолатлар $n=8$ и $n=9$ асосий квант сонларга мос келади. Бунда Au атомларини бир поғонали уйғотишга нисбатан икки поғонали уйғотишлардан кузатилаётган сигнал амплитудаси қарийб 1000 мартага катталиги маълум бўлди. «Стержень-аланга» атомизаторида хром



4-расм. Ионизацион сигналлар (U_i) интенсивлиги ва лазер нурунинг қувват зичлиги (W) орасидаги боғланиш



5-расм. Иккинчи лазерни 250–340нм диапазон ораликда қайта тўғрилашда $n=7÷13$ квант сонларга мос келган олтин атомининг атом-ионланиш спектри

атомлари $3d^5 4s^7 S_3$ асосий ҳолатдан $3d^5 4p^7 P_{2,3,4}$, $3d^4 4s 4p^7 P_{2,3,4}$ септит ҳолатларда уйғотишнинг бир поғонали ва икки поғонали схемалари ўрганилган. Пастки аниқлаш чегараси сувли эритмаларда $s(\text{Li}, \text{Na}, \text{Cs})$, $p(\text{Al}, \text{In})$, $d(\text{Cr}, \text{Mn}, \text{Fe}, \text{Co}, \text{Ni}, \text{Ag}, \text{Pt}, \text{Au})$ ва $f(\text{Yb}, \text{Eu})$ элементлар учун «аланга» системасида $10^{-10} ÷ 10^{-12}$ г/мл ни, «стержень-аланга»да $5 \times 10^{-10} ÷ 1 \times 10^{-14}$ г/мл ташкил қилади.

$s(\text{Li}, \text{Na}, \text{Cs})$, $p(\text{Al}, \text{In})$, $d(\text{Cr}, \text{Mn}, \text{Fe}, \text{Co}, \text{Ni}, \text{Ag}, \text{Pt}, \text{Au})$ ва $f(\text{Yb})$ элементлар учун аниқлаш чегарасининг сувли эритмаларда назарий ҳисоблашнинг натижалари «стержень-аланга» системаси учун $1 \times 10^{-14} ÷ 2 \times 10^{-15}$ г/мл қийматларни ташкил қилади. Тажрибада эришилган аниқлаш чегараси назарий ҳисоблашга нисбатан қарийб бир тартибга юқори, айрим элементлар учун эса бир неча тартибга юқори бўлди.

Атом-ионизацион усулида иссиқлик, спектрал ва кимёвий таъсир этувчи омиллар мавжуд. Cs, Na, In ларни табиий сувда, Au, Na, Pt ларни кумуш нитрат ва тоғ жинсларида, Cr, Fe, Al, Na, Cs ларни GaAs ва Si материалларда, Cr, Mn, Ni, Co ларни фторидли материалларда (NH_4F ва NaF), Li, Na, Ag ларни ацетон ва фосфор кислоталарида микдорларини аниқлаш учун «стержень-аланга» системасида атомни лазерли поғонали уйғотишнинг атмосфера шароитида намунани алангада атомизациялаш йўли билан бирлаштириш намойиш этилган. 6-расмда сигналнинг кучайиш

коэффициенти ва ўрганилаётган моддалар орасидаги боғланиш кўрсатилган.


Муаммоларни ечиш учун сигналнинг кучайиш эффектини ҳар бир элементга боғлаб ўрганилган. Кумуш нитратда олтин атомини аниқлаш учун 1г/л концентрацияли AgNO_3 дан эритмалар тайёрланди. Бу ҳолда матрицанинг спектрал таъсири Ag атоmidан аддитивли фон сигнали кўринишида намоён бўлади. Бу муаммони ечиш учун Au атомининг икки поғонали уйғотиш схемалари қўлланилган. Матрицанинг кимёвий таъсири йўқолиши ўрнатилган. Тоғли жинсларда олтин атомининг изини аниқлаш учун «графитли печь» электротермик атомизатор қўлланилган. Олтин атомининг икки поғонали тўқнашув схемалари ($\lambda_1=267\text{нм}$, $\lambda_2=294\text{нм}$, $\lambda_2=306\text{нм}$) амалга оширилган. Олтин атомининг аналитик сигнаliga матрицанинг кимёвий таъсири кузатилган. Натрий бирикмаси ва алюминий оксидлари асосий таъсир этувчи элементлар ҳисобланади. Бу муаммо тоғ жинси эритмасини $C=0,3\text{г/л}$ дан $C=0,05\text{г/л}$ гача суюлтириш орқали ҳал этилади.

Эритувчиларнинг таҳлили учун аланга атомизатори энг қулай атомизатор ҳисобланиб, ацетонда Li миқдорларини аниқлаш мисолида намоёиш этилган. Натрийнинг миқдорлари «стержень-аланга» системасида аниқланган. Бу ерда аниқлаш чегараси графит стерженнинг тозалигига боғлиқ ҳисобланади. Ярим ўтказгичли материалларнинг таҳлили учун 1г/л концентрацияли арсенид галлий ва кремнийнинг эритмалари ишлатилган. Қўшимча қўшиш усули билан концентрацияси 10г/л бўлган GaAs асосининг таъсири Fe, Na, Al ва Cr атомларидан кузатилаётган аналитик сигналнинг қийматларига таъсири йўқлиги ўрнатилган. GaAs намуналарида Alнинг аниқлаш чегараси намуна асосидан кузатилаётган унча катта бўлмаган аддитив фон сигнал билан аниқланади. Стандарт қўшимча қўшиш усули билан кремнийда Cs ва Fe миқдорларини аниқлашда Cs ва Fe дан кузатилаётган аналитик сигналнинг қийматларига намуна асосининг таъсири йўқлиги ўрнатилган. $C=1\text{г/л}$ концентрацияли Si ва GaAs эритмасида Fe миқдорини дастлабки баҳолаш эритмалар тайёрлаш учун ишлатиладиган HNO_3 , HCl кислоталаридаги Fe примеси Si ва GaAs эритмаларда Fe нинг аниқлаш чегарасини $10^{-3}\%$ даражага чегаралаб қўйишни кўрсатди. Бу муаммони ечиш учун биз махсус тоза кислоталар ва реактивлар ишлатдик ҳамда идишларнинг тозалиги текшириб борилди. Шунинг учун Fe нинг аниқлаш чегараси алангада Si ва GaAs бирикмасидан кузатиладиган фон сигналнинг флукутацияси билан аниқланди.


Илк бор фтор бирикмали моддаларда Ni, Mn, Co, Cr миқдорларини аниқлаш учун биз «аланга», «стержень-аланга» атомизаторларидан фойдаландик. Фтор бирикмали моддаларни таҳлил қилиш учун мос ҳолда 0,2г/л ва 50г/л концентрацияли NaF ва NH_4F эритмалари ишлатилди. Қўшимча қўшиш усули билан 50г/л концентрацияли NH_4F асоси Ni, Mn, Co, Cr атомларидан кузатилаётган аналитик сигналнинг қийматларига таъсири йўқлиги аниқланган. NH_4F нинг 5%ли эритмасида кобальт ва никелни аниқлашда матрицадан носелектив ионлаш сигнали кузатилди. Бу фон сигнаlinинг табиати ўрганилмади. Намунада Ni ва Co аниқлаш чегараси

NH_4F бирикмасида алангада кузатилаётган фон сигналининг флукутацияси билан аниқланади. Алангали атом-ионизацион метод учун NaF ни таҳлил қилиш анча мураккаб масала ҳисобланади. $3s$ асосий ҳолатида ва $3p$ ҳолатларида жойлашган Na атомлари лазер нури билан бир ва икки поғонали уйғотишнинг ионланиш эффективлиги етарли даражада юқори ҳисобланади. Бундай ионланиш ҳатто резонансдан узоқда жойлашган ютилиш чизиғининг қанотида ҳам самарадор ҳисобланади. $0,2\text{г/л}$ концентрацияли NaF эритмага аниқланаётган элементларни қўшиш йўли билан суялтирганда ҳам намуна асосидан фон сигнали кузатилди. АИМ ёрдамида ацетилен-ҳаво алангасида NaF намунадан Ni , Mn , Co , Cr миқдорларини аниқлашда матрица асосини бартараф қилмай туриб имкониятнинг йўқлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги қиздириш режими, яъни (7-расм) 50с ичида $t=90^\circ\text{C}$ қуришти, $100\text{--}600\text{с}$ ичида $t=800^\circ\text{C}$ гача олдиндан қиздириш, $t=1800^\circ\text{C}$ хром атоми учун, $t=1700^\circ\text{C}$ марганец атоми учун, $t=2000^\circ\text{C}$ никел ва кобальт атомлари учун танланган.



6-расм. Сигналнинг кучайиш коэффициенти ва ўрганилаётган моддалар орасидаги боғланиш




7-расм. NaF да Cr , Mg , Ni ва Co аниқлашда стерженни қиздириш режими: а) қуришти; б) натрийни олдиндан буғлатиш; в) ўрганилаётган элементнинг буғланиши; д) стерженни қиздириш

Барча цикллар учун намунанинг буғланиши 6с ичида содир бўлади. 2% концентрацияли эритмалар билан иш олиб бориб, қиздиришнинг бу режимида кобальт, никель, марганец ва хром атомларини йўқотмасдан натрийни дастлабки босқичларда самарали бартараф қилишга эришилди.


Диссертациянинг «Аэрозолли факеллар экстинкциясининг тадқиқоти бўйича тажрибавий натижалар» деб номланган тўртинчи бобида оптик резонаторда лазер импульсининг сўниш вақти, экстинкция коэффициенти ва заррачалар сонини ўлчашнинг тадқиқоти бўйича тажрибаларнинг натижалари келтирилган. Қаттиқ сирт юзасида ҳосил бўладиган аэрозоль факелларнинг тадқиқоти учун тупроқ, қотишмалар ва тоза металллар (Au , Ag , Zn , Al , Fe) танлаб олинган. Аэрозоль факелларнинг морфологияси масофа билан аэрозоль зичлиги ўртасидаги боғлиқлик функцияси сифатида

ўрганилган. Қувватли Nd–YAG лазери 1.0Гц частотада ўрганилаётган юзага фокусировка қилинган. Пайдо бўлган аэрозолларни заррача ҳисоблагичга секин ҳаво оқимида ($10\text{--}12\text{см}^3\text{с}^{-1}$) ташилган. Натижалар 8-расмда заррачанинг мутлоқ концентрацияси худди улар диаметрининг функцияси каби кўрсатилган. Сўниш вақти 9-расмда кўрсатилган намуналар учун ўлчанган бўлиб, унга мос экстинкция коэффицентлари (4) формула бўйича ҳисобланган ва тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Аэрозоллар морфологиясига лазер қувватининг таъсири тадқиқ қилинган. Zn сиртидан ҳосил бўлаётган аэрозоллар 50мсга кечикиш вақти билан икки хил лазер қуввати ёрдамида олинган. Шуниси қизиқки, лазер импульси 750мЖ энергиясига мос келган экстинкция коэффиценти, энергияси 250мЖ лазер импульсидаги плазмдан кузатилаётган экстинкция коэффицентига нисбатан анча паст бўлди.



